





Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса обод айлагай.

Алишер НАВОЙ

# 1211 ЭШИТАДИ

«Биллинг базаси»даги хатоликдан Пахтаки туманида яшовчи Узоқовлар ташвишга тушиб қолди. Сув қувури жўмрагини бураса-бурамаса шақиллатиб пул санаётган бу матоҳ оиласи қарзга ботириб ташлади.

## Майдада муаммонинг катта даҳмазаси

«Самарканд сув таъминоти» АЖ Пахтаки туман филиали мутахассисларига килинган мурожаат бенамар кетди. Сувчиларнинг кўл силгалиши боинланни жиддийрек кадамлар ташлашга мажбурлadi. Йўқ жойдан чиккан сув галваси яхшиликка олиб кел маслигини, энг аввали, хонадон бекаси хис килди. У Зўбекистон касаба уюшмалари Федерациясиning хотин-қизлар муаммолари бўйича ишлайдиган 1211 киска раками «Ишонч телефони»га арзихол килди.

— Касаба уюшмалари кўмагида гарданимиздаги асоссиз қарздорлик бартараф этилди, — дейди Феруза Усмонова. — Хозирги вақтда иккни нафар фарзанд тарбияси билан машгулман. Аслини олганда арзимаган муаммони Тошкентта чўтарбай чиншият ўят. Аммо иложисиз қолдик-да, емаган сомсага пул тўлаш малол келди. Касаба уюшмалари ташвиши мизни тўғри тушуниб, чин дилдан ёрдам килди. Ишонч кадрни улуғловчи бу ташкилотдан бешад миннатдормиз.

Муаммонинг майдада-чўйаси бўлмайди. Самаркандлик Замира Хўжамуродова хам «Ишонч ижтимоий хизматлар маркази» кўмагида Ҳасан ва Ҳусан Эргашевлар шахардаги 2-сонли спорт мажмуасида параспортнинг енгил атлетика турнири билан шугулланадиган бўлишиди.

— Касаба уюшмалари кўмагида спорт оламига кириб келган фарзандларим руҳиятида катта ўзгариш сезимпани, — дейди Замира Хўжамуродова. — Бахтимизга халкнинг дардига мажхаб бўлишига шайтурган касаба уюшмалари бор экан.

Юкоридагига ўхшаш воқеалар туфайли азият чеккан инсонлар дардини эшитиши, уларнинг ёнида туриши ҳар биримиз учун ҳам карз, ҳам фарзири. Нуринна ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»



Бўка туманида яшайман. Иккни нафар фарзандим бор. Уларни ёлғиз ўзим вояжга етказдим. Қизимни узатгандим, аммо тақдир экан, кўп ўтмай турмуши бузилди. Ҳозир иккни ойлик қаҳалоги билан менинг қарамогимда.

## Сизга ташаккурларим!

Рўзгор аравасини тортиши осон эмас. Айниқса, қизим қайтиб келгач, буни ич-ичимдан хис қўйдим. Боласининг харажатларига қўйналиб қолдик. Бир неча марта маҳаллага нафака пулни олини илинёсига чиқдим. Аммо у ҳадегандан ҳал бўлавермади. Ниҳоят, менга хотин-қизлар муаммолари билан ишлайдиган 1211 қиска раками «Ишонч телефони» боргизини айтишибди. Қаранжи, унга қылган мурожаатим ѡч қанча ўтмай, ечимини топди.

Набиримга Ижтимоий ҳимоя миглий агентлиги Тошкент вилояти башкармасидан шу йилнинг 1 январидан 31 декабрига қадар нафака тайинланганни ҳақида хабар берди.

Сизларга ташаккуримни етказмоқчиман.  
Эл манбаатини ўйлайдиган касаба уюшмалари  
ката раҳмат!

Шахноза ЖУМАНОВА

Бўка тумани

## УМИДЛАРИ ПУЧГА ЧИҚМАДИ

— Ўтган йилнинг апрелидан бўён ҳар ойда тўлаб келинаётган 18 ёшгача бўлган болалар нафакаси пулни келмай қолди. Қарамогимда тутма ногирон фарзандим бор. Бу орада унинг дорилариям тутаганди. Тегиши жойларга бордим. Ҳатто Ҳалқ кабулхонасига ҳам мурожаат килдим. Муаммо ҳал бўлмади, — деба хикоя килади Беруний туманида яшовчи

Ўғилжон Курбаназарова. — Шу зайлда ойлар ўтди. Бир куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясиning 1211 раками «Ишонч телефони» борлигини эшишиб қолдим. Умид билан ўйллаган мурожаатим ижобий ечим топди. Бундан бошим осмонга етди.

Опанинг уч нафар вояжга етмаган фарзанди бор. Оила тебратиш учун

Фотима АБДУРАИМОВА  
«ISHONCH»

## Ваъдага вафо бўладими?

«Ишонч телефони»га мурожаат килди. Ишни охирига етказмаган мутасаддилардан норозилигини баён этиб, шундай дейди:

— Менинг мурожаатим асосида ўйлумизни текислаш максадида юборилган тупрокни махалламиз раиси ўз кўчасидаги ўйларни текислаш учун ишлатмокда. Мурожаатимда кўрсатилган йўли кисми бир четда колиб, махалла раиси ўз кўчасини яхшилаш билан овора.

Масала юзасидан «Наврўз» маҳалласи раиси Фуркат ака билан бўлгандир. У мурожаатчининг бу идаосин асоссиз эканни, кўчасига тўшалган тупрок ўша ердагилар билан биргаликда ўз маблаглари ҳисобидан сотиб олинганини айтди.

Масалага ойдинлик киритиш максадиде Олот тумани хокимиияти вакилларига мурожаат килдик. Туман ҳокимиини куришиш масалаларига жавобгар ўринбосари Достон Каримов худудга бориб, холатни кайта ўрганиб чиқди. Чиндан ҳам бир кисм йўйлар текисланмай колганини аниқлади. Колган кисми бир хафта ичидаги тўғрилаб берилшини билди.

Мутасаддиларнинг ваъдалари ҳакикатми ёки йўқ, буни бир хафтадан сўнг билоб оламиз.

Дилдора ИБРОҲИМОВА  
«ISHONCH»



# Трамп Америка қудратини



Дональд Трамп 2025 йил 20 январдан расман АҚШнинг

47-президенти сифатида  
иш бошламоқда. Як-  
шанба куни Вашингтонда ўз тарафдорлари  
олдидаги чиқиш қил-  
ган Трамп янги сиёса-  
тининг асосий йўна-  
лишларини белгилаб  
берди. Унинг фикрича,  
бу билан Америка янги  
даврга қадам қўяди ва  
йтган тўрт йиллик «та-  
наззул»га барҳам бе-  
рилиб, «куч, тараққиёт  
ва қадр-қиммат»

замони бош-  
ланади. Бир гурух  
сиёсатчнослар  
Трампнинг иқти-  
дорга қайтишини  
АҚШ миллий қуд-  
ратининг қайта  
тиклиниши сифа-  
тида баҳолаётган  
бўлса, бошқалари  
ички ва халқаро  
майдонда бўлиниш  
ҳамда хавф-хатар-  
лар кучайишидан  
хавотирда.

### ИНАУГУРАЦИЯ: АНЬНА ВА ЯНГИЛИКЛАР

Трампнинг инаугурацияси бутун бутун дунёнинг дикат марказида турди. Маросим совук об-хаво сабаб ва хавфзизини нуктани назаридан Капитолийнинг ички кисмига кўчирилди. Охириги бор бундай карор 1985 йили Рональд Рейганинг иккичи инаугурацияси чогида қабул килинган эди.

Дональд Трамп касамед пайтида кўлини бирйула иккни — бирни шахсий коллекцисига, иккинчиси эса Авраам Линкольнга тегишили Инжилга кўяди. Бунда Трамп ўзини тарихий етакчилар, мамлакатни оғир даврларда ўзгаририга олган шахслар меросхўри сифатида чўярпти, деган размий маъно бор. Унинг инаугурация нутки охирги ўн ийлilikлардаги энг узок нутқлардан бирни кутилмоқда. Унда иктисолидётни тикилаши, миллий хавфзизини мустаҳкамлаш ва ташкиси сиёсатидаги асосий вазифалар билан боғлиқ ташаббусларга ётибор каратилиди.

Маросимда Американинг етакчи сиёсатчилари ва кўплаб хорижий меҳмонлар, жумладан, Италия бош вазiri Жоржо Мелони, Аргентина президенти Хавьер Милей ва британиялик сиёсатчи Найжел Фараж катнашади. Консерватив ва ўтга ўнг катнот харакатлар вакиларининг иштироки Трамп маймурятининг умуммафкуравий кадрияларга асосланган янги халқаро коалиция яратиш ниятида эканини англатади.

### ИЧКИ СИЁСАТДА УЛКАН РЕЖАЛАР

Трамп лавозимга киришган иккнидаёт 200 га якин фармон ва бўйрук

имзолаб, катъий кадамлар кўйишига тайёрлигини намоён килмоқчи. Унинг таъбири билан айтганда, бу харакатлар Жо Байден маймурятининг «рәдик» ва аҳмокона фармонларига бекор килишга каратилган.

Трамп маъмурятининг асосий ўйнешларидан бирни ноконуни миграцияга карши кураш бўлади. У биринчи куннинг ўзидаси «жанубий чегара орқали босқинга чөн кўйиш»ни ва миграция конунларини кучайтириб, Мексика билан чегарада девор курилишини кайта бошлашга ваъда берди. Бундай чоралар кишилек хўжалиги каби мигрантлар ишчи кучи катта бўлган соҳаларда танглика сабаб бўлиши, оммавий депортациялар давлат бюджетига ўн миллиардлаб долларга тушиши мумкин. Шунга қарамай, президент бу харакатлар тар-

тибини тикилаш ва миллий манфаатларни ҳимоя килишга хизмат килади, деган фикрда.

Шунингдек, Трамп АҚШдаги генерали сиёсатига ҳам ўзгаришлар киритига катъий белоглаган. У трансгендерларни армиядан чиқариб ташлаш, транспортчиликларнинг аёллар ўргасидаги мусобакаларда катнашишини тикилаш ва ЛГБТ мағкурасининг таълим ҳамда корпоратив соҳалардаги тасъирини кисқартишини режалаштирияти. Бу кадамлар консервативларни доворлар ва «инклозивик» сиёсатини жинни сўймайдиган айрим бизнес вакиллари томонидан кўл-куватланмоқда.

Табиийки, иктисолидёт Трамп маймуряти учун устувор йўналишлардан бирни бўлади. У Apple бош директори Тим Кукнинг АҚШда янги

ишлаб чиқариш кувватларини яратиш режаларини амалга оширишини кўл-куватлашга ваъда берди. Шунингдек, у нефть ва газ казиб чиқаришни фаоллаштириб, саноат ва ўй хўжаликлари учун энергия харажатларини камайтиришини мақсад килган. TikTokning АҚШдаги фаолиятини кайта тикилаш унинг протекционизм стратегиясининг маънуси бўлиб, платформа катъий назорат асосида ишлашни давом этиради.

Шунингдек, Трамп АҚШ иктисолидётни ҳимоялаш максадида импорт тарифларини ошириш курсини давом этитишини маълум килди. Трамп барча импорт маҳсулотларга 10 фоизлик, Хитойдан келдиган товарларга эса 60 фоизлик божхона яигими жоғори этишини режалаштиримокда. Унинг фикрича, бу чоралар савдо хамкорларини шерликларни кайта кўриб чиқишига мажбур килиб, АҚШ савдо балансини яхшилайди. Аммо американлик ишлаб чиқарувчиларни кўл-куватлашга каратилган бу чора-тадбирлар истеммолилилар учун нархларни кескин ошириб юбориши мумкин. Бунга жавобан маъмуряти эҳтимолий зарарларни коплаш максадида бизнес учун солик имтиёзлари пакетини тайёрламоқда.

### БИРЛАШУВ ВА АРКТИКА ДАЪВОЛАРИ

Дональд Трампнинг энг бахсли гояяларидан бирни Канадага АҚШнинг 51-штати сифатида кўшишиш таклифидир. Унинг фикрича, бу Шимолий Американинг иктисолидёт ва стратегик барқарорлигини таъминлайди. Трамп ушбу таклифи маданий ва иктисолидёт алоқаларнинг яқинлиги, шунингдек,





Қанчалик бой бўлсанг ҳам, фақатгина ея оладиганинг  
даражада ейсан. Денгизга кўзани ботирсанг,  
ола оладиганинг даражада сув оласан. Қолгани эса қолиб кетади.

Жалолиддин РУМИЙ



## БЕЗОВТАЛИККА ЧОРЛОВЧИ ҲАВОТИРЛАР

Шеърият тугилиш ва муҳаббат, гўззаллик ва соғинич, айрилиқ ва фамгусса, ҳатто хиёнат ва нафрат, бахт ва ёғизлиқ ичида яшай олади. Аммо интиҳо билан, йўқлик билан, ўлим ва ажал билан келишолмайди. Шу боисми сўнгги йилларда иктидорли ижодкор ёшларимиз Бахтинос, Хонзодабегим, Зариф Султоний, Мансур Жумаев, Акмал Тошини орамиздан олиб кетди. Аммо ажал мақсадига тўла-тўкини руҳини шомласкан, танини онса-да, руҳни ололмайди. Шеъри ўқилаёттандо шоир тирилиб келади, масрурликлари-ю исёллари билан, ҳайратлари-ю ҳайронликлари билан, ҳайқирму-ю шивир-шивирлари билан, сурати-ю нигоҳлари билан...

Мана, кўлимда ажал муроса қиласман ана шундай шоирларимиздан бир Акмал Тошини «Ҳавотир» китоби. Хонағма тез-тез келдиган, жимгиниң ўтирадиган, маъсигина кулдиган, синикини нигоҳларидан ўзи жавоб тула олмаётган савол айланбанд турдиган йигит дунёси билан, дардларин-ю изтироблари билан яна каршимида тургандай.

Бу китобдаги шеърларини Акмалниң ўзи руҳиятига караб етти фасла гўлган – «Тафакор чизигири», «Расфлар кўшиғи», «Ҳайқири», «Илдиз», «Изҳор», «Бегуборлик парвози», «Ҳикмат соҳили». Ҳар фасла Акмалниң янги киррадарини, ташбехларга кучган янги кечинмаларини кўрасиз. Сухбатларда унинг ўзбек ва жаҳон шеъриятидан яхшигина хабардорларни билиниб туради. Аммо, шуну айтиш керакки, Акмалда катта шоирлар шеърларига такдидин, уларнинг руҳиятига эрганидаги кетишни, уларнинг обрга ва ташбехларни такорини кўрмайсан. Ўзбек кечинмаларини изхори бўладими, табиат мўъжизаларидан ҳайратлари бўладими, юрти, онаси ҳақидаги изтироблари бўладими, болалини ва эртаклар дунёсининг согинчи бўладими – ҳаммаси таърихи, зўраклини, соҳалик йўқ. Шеърларида мудом айланбанд келадиган жимлик, сукунат, туш, оғрик, уйкусизлик, шамол, синик руҳ – булар Акмалниң ўзи. Ҳар бир шеърни унинг руҳияти автобиографиясин дейши мумкин. Буни ҳиз қилиш учун шеърларни ўқиш кифоя.

Ҳар бир шеър дунё ва кўнгли ўргасида мувозанат излайди. Қалбидаги тасаввурлар, орзуарни билан ҳаётиди ҳамоҳанглини топиш учун мудом ўзини тафтиши қиласди, ҳулосал чиқарди, изтироб чекади, юрагини тирик сақлаб колишини хоҳлайди. Акмалниң аксарияти шеърларida айни шу кайфиятга тувох бўласиди.

**Сокинликка бурканиб олиб,  
Халоватни кучим келапти.  
Қадамлари шаҳдам эди-я...  
Эссызина, қалдим ўляяти.**

**Оний тасаввурнинг ўйлари мавхум,  
Сарсонлик бесамар чоргаса мавхум.  
Канийди қалдимга тўйкислашу зум,  
Қурдими жасам этган бир томчи зиё...**

Акмалниң шеърларидаги ўхшатилар, жонлантиришлар, ташбехлар, манзаралар хам ўзига хослиги, кутиммаганлиги, табиийлиги билан ҳаёlda узок вакт муҳрланиб колади.

**Пуфладим: хаёллар тўзгиди  
Момикидек тўқилди атрофа.**

**Энтиккан орзуни алдайди соя...**

**Ёмғир ёғди.  
Кайзардан оғринган аёл,  
Пана жоқда дардоларини тўқкандек охир.**

**Гунчалардан балқиб чиқди мунгли табассум,**

**Қатор-қатор томлар устида  
Кизгалдоқлар ўсма қўяди.**

**Юлдузлар ҳам қизгонар тушини...**

Акмал табиатан босик, руҳи хилватга мойил кўрниш-да ичида исён чишидатлар, жавобиз саволлар, тасаввурнинг турфа манзаралари, айниска, шамолга айланбанд чарх уриб турганини хис киласиз – «Нечун яркотларни йиглатар шамол», «Ишқин согинганча Девон шамол Табигат сепини тит-килаб юрар», «Уф-фоф тортиб юрорни шамол», «Дараҳатлар баргинни юлкилаб тортиб, Қах-қах отиб кулар Тимнайди шамол», «Хув, бедапоға беркинб олиб, Ҳар кун алла айтар Эримай шамол», «Сахорда рўёлар ясаб чарчамас, Задарбок тўфондек кутирган шамол», «Илониши юрди улан тушига Содда юрар – Дайди шамол», «Чийиллаб тортиклилар эшикни шамол», «Изиллайди шамол камусини», «Шамолдек эркин ўзи руҳияти бир пас», «Шамолларни жиловлаб учдим, Осмонларниң бўйлари етас», «Қатқат хаёлларин катламай канча, Билдирий ӯмарди маккор шамол», «Изгириш шамол Излайди ненидир, кўлида килич», «Шовулайди ташвиши юланган шамол», «Саргашта мусоифор каби афтода, Ажаб эртагини бошларни шамол», «Ишқин согинганча Девон шамол Табигат сепини тит-килаб юрар», «Ёргут хаёлларга чўмғанча руҳим, Шамоллар кафтида айлади парвоз».

Ҳулосал килип айтганда, Акмалниң шеърлари калбнинг безовтамлиқдан тини ҳамоласиги, дунёнинг кирланниб колмаслигини ҳамоҳонларни, кўнгил бедорлигига чорвларни сифатида эътироф этилишига, кайта-кайта ўтилишига ишончимиз комил.

**PS:** Шу йилнинг 17 январи кун Алишер Навоий номидаги Узбекистон миллий китубхонасида журналист ва шоир Акмал Тошинига бағишланган «Чақмоқча айландим» мавzuуда адабий кечна ташнишни этилб, «Ҳавотир» номли китоби таҳдидоти ҳам бўлиб ўти. Таҳдидота ташниш шоипар, ёзувчилар, адабийшунислар – Эшқори Шукур, Азиз Сайд, Узик Йўқарулов, Шодмонкул Салом, шоирининг оила азоларни, кечн жамоатчиларини қатнандилар.

Сўзга чиқирандай Акмал Тошиниң хәёт ўйли, ижодига тўхталиб, ўз вафот этган бўлса-да, сўзлари барҳаёт эканлигини, унинг маънивий мероси хеч қаён үлмаслигини алоҳида таъкидилашди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
академияси томонидан 2008 йилда  
Мусаев Ровшон Нематилеевич номи  
берилган ОҚМ №008094 раками  
диплом ўйқопланинг сабаби бекор  
килинади.

«ЕКО-YASMINA» МЧК (СТИР: 203 348 824) Жа-  
мийт устав фонди 72 390 986 сўм 48 тийиндан 2 390 986  
сўм 48 тийинга камайтирилаётганини маълум киласди.

Талаблар Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани,  
М.Ашрафий кўчаси, 103А-йи манзили бўйича юрорни  
мумкин.

# ҲАДЗИПАНАГИСНИНГ ҚЎЗЁШЛАРИ...

Суратдаги жингалак соч йигит – Василис Ҳадзипанагис. У ўзбек футбололида «Ҳожи»  
номи билан машҳур бўлган, «Пахтакор»нинг ўтган асрдаги собиқ хужумчиси. Тақдир  
тақозоси билан 1975 йилдан бўйн бўн Греция ўнинг она Ватани!



Чори  
ЛАТИНОВ,  
Ўзбекистонда  
хизмат  
кўрсатсан  
журналист

эди. Чунки у ўйиндан четда  
колдирладиган ўйинчи  
эмасди.

Василис Греция фут-  
болида хам катта шуҳрат  
коёнди. Узбек футболи  
яратган футболчи Греция  
футболи афсонасига ай-  
ланди. Бир неча бор «Ил-  
лининг энг яхши футбол-  
ччиси» бўлди. Афсуски,  
Греция терма жамоасида  
ўйнай олмади. Чунки Васи-

лис «Пахтакор» ўйинчиси бўлганда

Суратдаги жамоа таркибида

шоипар, терма жамоаси таркиbi

бўйнан ўйнаган эди. Футбол коидаларига

кўра, иккى мамлакат термасида ўйнаш

хукуки берилади.

«Пахтакор» ҳалокатидан анча кейин

менги у билан кўришина насиб этиди. Йилин

эдим эсмиди йўқ. Ушанда «Пахтакор» ўйин-

гоҳида ўйин бошланнишга озигина вакт кол-

ганди. Бир маҳал бизга якин секторда ўти-

гандар гувва ўрнидан туришиб, биш томонга

ўтирилишиди. Ҳайрон бўлиб карасам, бир гу-


рух одамлар билан бинзинг таркибига

Василис Ҳадзипанагис киреб келтипи. Ўйин бо-

шлангунча сектордагилар шу воқеилик билан

банд бўлишиди. Албатта, кўччиликатори

мен ҳам ёнига бориб кўришдим. У мухли-



ларига якинда Тошкентта келганини ва ҳам-

мани согинганини айтди.

Ўйин бошланди. Ҳаммамиз ўйинга бе-  
рилиб кетдик. Бироз ўтга, сектор яна гувва  
кўтарилди. Карасам, Василис шириклари  
билан чиқиб кетяпти, рўмочлasi билан

кўзашларини артиб...

У ўзи ўйнаган майдонни согинган ва  
келди. Аммо бир оиласек бўлиб колган са-  
дошларини майдондан тасаввур килиб

ўтиромади, юраги чидамади, менимча...

Билдирам, у яна Ўзбекистонга келди-  
ми-йўқми? Аммо ўша келганида юраги  
яраланиб, кайтиб кеттани рост.



«Ishonch» va  
«Ishonch-Дөверие»  
газеталари  
таҳrir hayati:

Qudratilla RAFIQOV  
(taҳrir hayati raisi),  
Ulug'bek JALMONOV,  
Anvar ABDUMUXTOROV,  
Sayfullor AHMEDOV,  
Akmal SAIDOV,  
Ravshan BEDILOV,  
Qutlimurot SOBIROV,  
Suhrob RAFIQOV,  
Shoqosim SHOISLOMOV,  
Hamidulla PIRIMQULOV,  
Nodira G OYIBNAZAROVA,  
Anvar QULMURODOV  
(Bosh muharrirning  
birinch o'tiborosari),

Mehriddin SHUKROV  
(Mas'ul kotib – «Ishonch»),  
Valentina MARSENYAK  
(Mas'ul kotib – «Ishonch-Дөверие»)

Bosh muharrir  
Husan ERMATOV

**Bo'lmlar:**  
Kasaba uyushmalarini hayoti –  
(71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot –  
(71) 256-52-89  
Milliy-'naviy qadriyatlari va sport –  
(71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar  
bilan ishlash –  
(71) 256-85-43  
Marketing va obuna –  
(71) 256-87-73

**Hududlardagi  
muxbirlar:**  
Qoraqalpog'ston Respublikasi –  
(+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati –  
(+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati –  
(+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati –  
(+998-99) 889-50-12  
Jizzax viloyati –  
(+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati –  
(+998-90) 379-19-70  
Toshkent viloyati –  
(+998-99) 600-40-44  
Farg'onha viloyati –  
(+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati –  
(+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati –  
(+998-97) 705-08-93

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda  
manba sifatida gazeta nomini  
ko'ratalishi shart.  
Muallif fikri tahriri  
nuqtai nazardan  
farqlanish mumkin.

**Nashratchi muharrir:**  
S. Abdurahmonov

**Musahihilar:**  
D. Xudoberganova,  
D. Ravshanova

**Sahifalovchi:**  
H. Abduljalilov

**Bosishga topshirish vaqt:** 22:00  
**Topshirildi:** 22:20

**Bahosi kelishigan narxa**

**Manzilimiz:**  
100165, Toshkent shahri,  
Buxoro ko'chasi, 24-uy.

**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba,  
payshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

Gazeta «Ishonch»ning<br